



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 28 май, № 104 (8727)

Сешанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

Кўксарой қароргоҳида 27 май куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путинни тантанали кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.



Мамлакат тараққиётини белгиловчи омилар кўп. Улардан бири узоқ-яқин давлатлар билан стратегик алоқаларни мустаҳкамлашдир. Зеро, бугун жаҳонда бир қандай қатъий ишлайди — ҳеч бир мамлакат яққа ўзи ривожлана олмайди.

Янги Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосига қурилаган бундай муносабатлар муҳим аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг икки томонлама муносабатларида катта ютуқларга эришаётган ҳамкор давлатлари орасида Россия ҳам бор. Бу фикрни тасдиқловчи рақамларни кўпайиб мисолларда келтириш мумкин. Хусусан, давлатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми кейинги йилларда қарийб икки ярим бараварга ошди. Россия юртимиз учун энг катта экспорт бозори бўлиб қолмоқда.

Шу ўринда яна бир мисол, Россия мамлакатимизда ташкил этилган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сони бўйича ҳам етакчилар қаторида.

Мамлакатимизга Россия Федерацияси Президентининг давлат ташрифи кўп қиррали ҳамкорликнинг изчил ва самарали давом этишида муҳим аҳамиятга эга.

Қароргоҳ олдидаги майдонда икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф торди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев олий мартабали меҳмонни самимий қарши олиб,

шоҳсупага тақлиф қилди. Давлат маҳиялари янгради. Ҳарбий оркестр садолари остида етакчилар фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини кутладилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни самимий кутлар экан, Россия Президенти қайта сайланганидан сўнг илк хорижий ташрифларидан бирини айнан Ўзбекистонга амалга ошираётганини алоҳида таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Ташрифга тайёргарлик доирасида парламент аъзоларининг учрашувлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, "Иннопром" кўргазмаси, икки мамлакат етакчи муҳандислик-техник олий ўқув юртли ректорлари ва нуфузли тиббиёт муассасалари раҳбарларининг анжуманлари самарали ўтгани, Тошкентда Рус санъати ҳафталиги тadbирлари давом этаётгани таъкидланди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг ўсиб бораётган суръати мамнуният билан қайд этилди. Ўзаро товар айирбошлаш ва Россиядан инвестициялар ҳажми кўпаймоқда, саноат кооперацияси ривожланмоқда.

Етакчи корхоналарнинг қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма инвестиция платформасини ишга тушириш юзасидан келишувга эришилди.

Президентлар ҳудудларо ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлигини таъкидладилар.

Шунингдек, етакчилар энергетика, шу жумладан, атом энергетикаси, қишлоқ хўжалиги, инновациялар, миграция, хавфсизлик ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Кўп қиррали маданий-гуманитар аламинув ривожланаётганига юқори баҳо берилди.

Таълим ва муҳандис кадрларни тайёрлаш соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарлари томонларни қизқирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин музокараларни расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини, энг аввало, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги юксак даражаси ва ўзига хослиги, давлатларо ҳамкорликнинг барча соҳа ва йўналишларини қамраб олганлиги мамнуният билан таъкидланди.

— Сизнинг давлат ташрифингизни ҳақли равишда тарихий деб аташ мумкин. Бу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларида янги босқични бошлаб бермоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Музокаралар давомида томонлар парламентлар, ҳукуматлар, вазирликлар, идоралар, ҳудудлар, жамоатчилик, экспертлар ва ишбилармон доиралар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар.

Бу мақсадда Бош вазирлар даражасидаги Қўшма комиссия ва Ҳукуматларо комиссиянинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилади, уларнинг навбатдаги йиғилишлари шу йил охиригача ўтказилади.

Шунингдек, мунтазам сиёсий маслаҳатлашувларни, БМТ, МДХ, ШХТ каби халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳамда бошқа кўп томонлама платформалар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзаро савдо айланмасининг барқарор суръати мамнуният билан қайд этилди. Сунгги 7 йилда у 2,5 баробар ошди. Томонлар янги мақсадли кўрсаткичга — яқин истиқболда савдо ҳажмини 30 миллиард долларга етказишга келишиб олдилар.

Ушбу вазифани амалга оширишга қўмақлашиш учун Россияда Ўзбекистоннинг тўлақонли савдо ваколатхонаси ташкил этилади.

Бугунги саммитга энергетика, металлургия, нефть-кимё, машинасозлик, тоғ-кон саноати, қишлоқ хўжалиги, логистика, фармацевтика, сунъий интеллект ва бошқа кўплаб йўналишларда 20 миллиард доллардан ортиқ қийматда янги саноат кооперацияси лойиҳалари тайёрланди.

Бу қўшма Инвестиция платформаси ишга туширилади.

Энергетика соҳасида газ ташиш тизимини модернизация қилиш, газ, нефть ва нефть маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини ошириш, углеводородларни қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш бўйича келишувга эришилди.

Ҳудудлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам жадал ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Утган ҳафта Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари раҳбарлари ташриф билан Россияга бўлидилар.

Озиқ-овқат хавфсизлиги, инновациялар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, миграция каби қатор муҳим йўналишлар ҳам кўриб чиқилди.

Маданият ва санъат, фан, соғлиқни сақлаш, туризм, ёшлар ва спорт соҳаларида фаол аламинувлар давом эттирилади.

Томонлар Ўзбекистонда Бауман номидаги Москва техника университети ва Бутунроссия ташқи савдо академияси филиалларини очиб бўйича келишувларга эришилганини олқишладилар.

Учрашув чоғида делегация аъзоларининг қисқа ҳисоботлари, турли соҳаларда амалий ҳамкорлик бўйича аниқ тақлифлари тинланди.

Музокаралар якунида давлат раҳбарлари ҳар бир йўналиш бўйича амалга ошириш механизмлари назарда тутилган "йўл хариталари"ни қабул қилишга топшириқ бердилар.

Ўтказилган музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Қўшма баёнот имзоладилар.

Давлат раҳбарлари ҳузурида муҳим икки томонлама битимларни алмашиш маросими бўлиб ўтди. Жумладан, булар:

— Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳамкорлигининг устувор йўналишларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;

— Ўзбекистон Республикасига метрология соҳасида техник кўмак таъминлаш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;

— Биргаликда кино ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматларо битим;

— Аҳолининг санитария-эпидемиология фаровонлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ҳукуматларо битим;

— Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Фан ва олий таълим вазирлиги ўртасида илмий технологиялар соҳасида қўшма танловлар ўтказиш тўғрисида битим;

— Балиқчилик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматларо битимга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида баённома;

— 2024 — 2026 йилларга мўлжалланган маданият соҳасида ҳамкорлик дастури;

— 2025-2026 йилларга мўлжалланган туристлар оқимини ошириш бўйича ҳамкорлик дастури;

— Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги ўртасида товар айирбошлашни кўпайтириш мақсадида саноат кооперациясини кенгайтириш бўйича қўшма ҳаракатлар режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги ўртасида 2024 — 2030 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида ўзаро савдо ҳажмини ошириш бўйича ишчи гуруҳ фаолиятининг асосий йўналишлари режаси;

— Ўзбекистон Республикаси

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Карантин ва ўсимликларни химоя қилиш агентлиги ҳамда Россия Федерацияси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Ветеринария ва фитосанитария назорати бўйича федерал хизмати ўртасида фитосанитария соҳасида рақамли ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида 2024-2025 йилларга мўлжалланган карантин ва ўсимликларни химоя қилиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси;

— Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Фан ва олий таълим вазирлиги ўртасида "Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети" федерал давлат бюджет олий таълим муассасаси филиалини ташкил этиш тўғрисида меморандум;

— Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида соғлиқни сақлашни ташкил этиш масалалари бўйича; тиббиёт мақсадидаги дори воситаларини, тиббий буюмларни ва юқори технология доволаш усулларини тартибга солиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённомалар;

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудда кам қувватли атом электр станциясини қуриш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги келишувлар;

— Тошкентда Бутунроссия ташқи савдо академиясининг филиалини очиб тўғрисида битим;

— транспорт машинасозлиги, фуқаролик авиацияси тизимлари саноатини ривожлантириш, туризм аламинувини ошириш, Тошкентда гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш, агрологистика марказлари ва замонавий кимё қувватларини ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида ҳужжатлар.

Олий даражадаги музокаралар якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Брифингга сўзга чиққан давлатимиз раҳбари Владимир Путиннинг Россия Федерацияси Президенти лавозимига қайта сайланганидан кейинги илк хорижий ташрифларидан бири бўлган ушбу ташрифни Ўзбекистонга ва кўп миллатли халқимизга бўлган алоҳида муносабат ва ҳурматнинг, шунингдек, икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги юқори даражаси ва Ўзбекистон — Россия муносабатларини чуқурлаштиришга бўлган қатъий интилишнинг тасдиқи сифатида қабул қилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ОЛИЙ ВА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ ВА ЎҚУВЧИЛАРИГА БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ТАЪЛИМ КРЕДИТИНИ АЖРАТИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Олий ва профессионал таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқийтган талаба ва ўқувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилаётган Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида:

1. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий ва профессионал таълим ташкилотларининг талаба ва ўқувчиларига таълим кредитлари (кейинги ўринларда — таълим кредити) ажратишнинг қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни жорий қилиш тўғрисидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) олий ва профессионал таълим ташкилотларида тахсил олиш учун таълим кредитини фақат кундузги таълим шаклида ўқийтган талаба ва ўқувчиларга ажратиш;

б) таълим кредитини:

олий таълим ташкилотларининг биринчи босқич талабалари ҳамда профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун тўлов-контракт суммаси миқдоридан олий таълим ташкилотларининг иккинчи ва ундан юқори курс талабалари учун фанларни ўқулаштиришнинг ўртача кўрсаткичи "3" дан паст бўлган тақдирда тўлов-контракт суммасининг кўпи билан 80 фоизи миқдоридан ажратиш ("Ижтимоий химоя ягона реестри"га киритилган оилалар фарзандлари бундан мустасно).

2. Белгилансин:

а) таълим кредити:

олий таълим ташкилотлари талабалари учун — талабалар тўғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг "Талабаларга шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар ҳисобини юритиш" (kontrakt.edu.uz) ахборот тизими ва "Олий таълим жараёнларини бошқариш" (HEMIS) ахборот тизимида мавжуд бўлганда;

б) профессионал таълим ташкилотлари ўқувчилари учун — ўқувчилар тўғрисидаги маълумотлар Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг "Профессионал таълим жараёнларини бошқариш" (prof.edu.uz) ахборот тизимида мавжуд бўлганда ажратилади;

в) ўз дастурий таъминотига эга бўлган олий ва профессионал таълим ташкилотлари таълим кредитини олиш учун Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизимларига ўз ахборот тизимини интеграция қилиши ёки улардан фойдаланиши мажбурий ҳисобланади.

3. Қуйидагилар:

а) Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги 2024 йил 1 июлга қадар ташкилий-ҳуқуқий шакли ва идоравий бўйсунувидан қатъи назар, барча олий ва профессионал таълим ташкилотларининг тўлов-контракт шартномаси "kontrakt.edu.uz" ва "prof.edu.uz" ахборот тизимлари орқали шакллантирилишини;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

Рақамли технологиялар вазирлиги Марказий банк билан биргаликда 2024/2025 ўқув йили бошлангунга қадар таълим кредитини олиш учун аризаларни Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг "Таълим кредити" ахборот тизими (ta'lim-kreditif.mf.uz) ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали топшириш имконияти яратилишини;

"Таълим кредити" ахборот тизими Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг тегишли ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж.А.Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2024 йил 27 май

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ САММИТИ ЯКУНЛАРИ, ҲЕЧ МУБОЛАҒАСИЗ, ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ТАРИХИЙ ВОҚЕАДИР

Жорий йилнинг 26-27 май кунлари бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Россия музокараларининг самарали натижалари икки давлатнинг кўп қиррали ҳамкорлигини янада кенгайтиришга интилишини тасдиқлади ва давлатларо муносабатларда янги саҳифа очди.

Халқаро экспертлар таъкидига кўра мазкур ташриф икки томонлама муносабатларнинг бугунги кундаги юксак даражаси, ўзига хос хусусияти ва давлатларо ҳамкорликнинг барча соҳа ҳамда йўналишларини қамраб олгани билан аҳамиятли бўлди.

Биз ва жаҳон

Макс СЭЙ, Малайзиянинг «Kingsley Strategic Institute» таҳлил маркази ижрочи директори:

— Россия Президентининг Тошкентга ташрифи Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги юксак ишонч ҳамда ўзаро англашув даражаси билан ажралиб турадиган икки томонлама муносабатлар мустаҳкамлашиб бораётганидан далолат беради.

ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

Ўзбекистон Президенти мазкур саммитга катта тайёргарлик қўрилганини алоҳида таъкидлади. Парламент вакилларининг учрашувлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, икки давлат ҳукумат делегациялари ўртасидаги ўзаро ташрифлар самарали ўтди.

Хар доимгидек аънавий очик, конструктив ва дўстона муҳитда ўтган бугунги музокараларнинг натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Етакчилар икки томонлама кун тартибининг барча долзарб масалаларини атрофлича муҳокама қилиб, делегация аъзоларининг асосий йўналишлар бўйича ҳисоботларини тингладилар, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Савдо-иқтисодий соҳада амалий ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Томонлар товар айирбошлаш ҳамжони янада ошириш зарурлиги борасида яқдил фикрга келдилар.

Давлатлар саноат кооперациясида жиддий илгариланган. Музокаралар давомида энергетика, нефть-кимё, металлургия, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика ва инновацион тармоқлар бўйича аниқ лойиҳалар кўриб чиқилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 3 мингдан ортиқ қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, лойиҳалар портфели қарийб 45 миллиард долларни ташкил қилади. Бу галги ташриф доирасида 20 миллиард долларлик янги лойиҳалар бўйича келишувлар имзолангани алоҳида таъкидланди.

Худудларо ҳамкорлик Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлигининг ҳақиқий ҳаракатланувчи кучи бўлиб бораётгани алоҳида қайд этилди. Худудлар форумини Президентлар раислигидаги Худудлар кенгашига айлантириш бўйича келишувга эришилди.

Давлат раҳбарлари энергетика соҳасидаги стратегик ҳамкорликни кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Ўтган йили Россия табиий газини Ўзбекистонга етказиб бериш бошланган эди. Музокаралар давомида газ, нефть ва нефть маҳсулотларини етказиб бериш ҳамжони ошириш, инфратузилмани модернизация қилиш ва маҳаллий корхоналар негизда углеводородларни чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда кам қувватли атом

электр станцияси қурилиши бўйича лойиҳани амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди.

— Дунёдаги деярли барча етакчи давлатлар ўз энергетик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини атом энергетикаси ҳисобига таъминламоқда. Агар биз Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичига чиқиш истиқболлари ҳақида ўйласак, катта миқдордаги уран захираларига эга ва уни учинчи давлатларга экспорт қилаётган мамлакатимиз учун бу лойиҳа ҳаётий аҳамияти эга, — деди Президент Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилда Ўзбекистонда Россиянинг йирик маданий тадбирлари, жумладан, кино кунлари ўтказилди. Россияда Ўзбекистон маданияти кунлари, кўргазмалар ва театрларимизнинг иқтисодий сафарлари бўлиб ўтди.

Президентлар таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантириш аҳамиятини қайд этидилар. Икки мамлакат етакчи университетлари ва тиббиёт муассасалари ўртасида доимий мулоқот ва самарали шериклини қўллаб-қувватладилар.

Муҳандислик кадрларини тайёрлаш бўйича қўшма ишлар бошланди. Бу мақсадда ташкил этилаётган Тошкентдаги Николай Бауман номидаги Москва давлат техника университети филиали мамлакатимизда фаолият юритаётган етакчи Россия университетларининг ўн бешинчиси бўлади.

Миграция соҳасидаги ҳамкорлик масалалари музокараларнинг алоҳида мавзуси бўлди. Бу соҳада ўзаро ҳамкорликнинг самарали механизмлари бўйича келишувга эришилди.

Ташқи сиёсий идоралар ўртасида мунтазам маслаҳатлашувларини давом эттириш, минтақавий ва халқаро тузилмалар — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасида мулоқотни чуқурлаштириш муҳимлиги тасдиқланди.

Аънавий ва янги таҳдид ва хатарларга, биринчи навбатда, терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчилик ва наркотикага қарши курашиш бўйича ваколатли органлар ва махсус хизматлар ўртасида яқин ҳамкорлик масалалари Ўзбекистон ва Россиянинг диққат марказида қолади.

Сўзининг якунида давлатимиз раҳбари музокаралар натижаларидан мамнунигини билдирди, россиялик ҳамкасбига ўзи билан Ўзбекистонга Россиянинг асосий вазирлик ва идоралари, субъектлари раҳбарларидан иборат нуфузли деле-

гацияни олиб келгани учун миннатдорлик билдирди.

Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давомидаги сермазмун учрашувлар ва самарали натижалар икки томонлама дўстлик, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, давлатларо ҳамкорлик тарихида янги боб очишига ишонч билдирилди.

Кўксарой қароргоҳидаги икки томонлама тадбирлар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин Фахрий меҳмонлар хиёбонида ташриф буюрдилар.

Бу ерда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Россия халқларининг дўстлиги, кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари мустаҳкамлаб бораётганининг рамизи сифатида биргаликда даррақ экдилар.

Хиёбонда бошқа ҳамкор давлатлар етакчилари томонидан экилган даррақлар ҳам ўсмонди.

Ўзбекистон — Россия саммити доирасида Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Владимир Путин Тошкент шаҳридаги "Галаба боғи" ёдгорлик мажмуасига ташриф буюрдилар.

Кўп миллатли халқларимиз кўп асрлик умий тарихимиз ва унинг ёрқин саҳифалари, жумладан, Иккинчи жаҳон урушидаги Галабани алоҳида хурмат-эътибор билан ёд этидилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида "Инсон қадрини унинг таълими ва тарбияси" таълимий ишлари давомидаги мулоқотлар дастурининг мутлақ устувор йўналишига айланди. Хусусан, Ўзбекистонликларнинг уруш жангдошлари кўрсатган қаҳрамонлиги ва фронт ортидаги фидокорона меҳнатини абадийлаштириш учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йил 9 майда Галаба боғи очилди.

Кенг мажмуа бир неча худудга бўлинган бўлиб, ҳар бири алоҳида мавзуга бағишланган — уруш даҳшатлари ва аскарлар қаҳрамонлиги, фронт ортидаги ишчилар матонати ва фидойилиги, қайғу ва дард, шодлик ва шукроналик.

Бу ерга ташриф давомида Ўзбекистон ва Россия Президентлари ҳалок бўлган аскарларнинг хотирасини ёдга олдилар ва уруш дастидан беш нафар ўғилдан айрилган Зулфия эга Зокирова хотирасига ўрнатилган "Мато-

нат маҳжияси" ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйдилар.

Мажмуанинг энг юқори нуқтаси — суний тепалик чўққисида "Абадий жасорат" композицияси — Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-майор Собир Раҳимов ва Иккинчи жаҳон урушида қатнашган барча ўзбекистонлик аскарлар хотирасига бағишланган ёдгорлик ўрнатилган.

Тепалик ичида боғнинг асосий павильони — Ўзбекистоннинг урушдаги иштироки тарихига бағишланган "Шон-шараф" давлат музейи жойлашган. Етакчилар музейнинг бой экспозицияси билан танишиб, шонли ўтмишимиз ҳақидаги хотирани асраб-авайлаш муҳимлигини таъкидладилар. Тарихий меросни эъзозлаш ёшларда ватанпарварлик руҳини тарбиялаш ва халқлар ўртасида маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши алоҳида қайд этилди.

Галаба боғининг маҳобати ва салобати Россия делегацияси аъзоларида катта таассурот қолдирди.

Шу куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида Ўзбекистон ва Россия худудлари кенгашининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бу платформа олти йил аввал икки давлат раҳбарлари томонидан ишга туширилган бўлиб, қўшма Худудларо ҳамкорлик форуми шаклида фаолият юритган.

Худудларо ҳамкорликнинг жадал суръати, ўзаро инвестицияларнинг юқори динамикаси, қўшма лойиҳалар сони, шунингдек, ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириш учун катта салоҳиятни ҳисобга олиб, форум мақомини ошириш ва уни Президентлар раислигидаги Ўзбекистон ва Россия худудлари кенгашига айлантиришга қарор қилинди.

Кенгаш мажлисини очар экан, давлатимиз раҳбари Президент Владимир Путин ва Россия делегацияси вакилларини, жумладан, 30 га яқин худуд раҳбарлари ва 300 нафар етакчи саноат корхоналари, бизнес вакилларини самимий куллади.

— Бундай ҳамкорлик юқори самарадорлик билан ажралиб туради, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги узоқ муддатли шериклини кенгайтиришга хизмат қилади, — деб таъкидлади Президентимиз.

Олий даражадаги музокаралар самарали натижалар билан якунлангани, икки давлат ва халқлар манфаат-

лари йўлида кенг қамровли шерикликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга бўлган умий интилишни кўрсатгани мамнуният билан қайд этилди.

Йил бошидан бери барча даражадаги, жумладан, икки давлат худудлари ўртасидаги алоқаларнинг фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Шу маънода, худудларо мулоқотни янада ривожлантириш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда худудлар даражасида 4 миллиард долларлик 200 дан ортиқ қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда. Кенгаш мажлиси доирасида 5 миллиард долларлик янги шартномалар тўплами тайёрланган.

Олий даражадаги музокаралар давомида товар айирбошлаш ҳамжони яқин йилларда 30 миллиард долларга етказиш ва келаси йили 10 миллиард доллар инвестиция ўзлаштириш бўйича янги мақсадлар белгилаб олингани мамнуният билан қайд этилди.

Мақсадларга эришишнинг асосий ҳаракатланувчи кучи айнан икки давлат худудлари бўлиши лозимлигини таъкидлашда давлатимиз раҳбари ҳамкорликнинг қатор устувор йўналишларини белгилаб берди.

Аввало, ўзаро савдони кўпайтириш. Сўнгги 7 йил ичида Ўзбекистоннинг Россия билан товар айирбошлаш ҳамжи 2,5 баробарга ўсди. Ўзаро етказиб бериш таркиби, энг аввало, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ҳисобига сифат жиҳатдан яхшиланди.

Асосий ҳамкорлар қаторида Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Москва, Ленинград, Новосибирск, Астрахань, Иваново, Челябинск вилоятлари, Красноярск, Пермь ўлкалари, Татаристон, Бошқирдистон ва бошқалар бор.

Кооперация ва импорт ўрнини бошиш лойиҳаларини ошириш ҳисобига товар айирбошлаш ҳамжони кўпайтириш бўйича чора-тадбирлар режалари қабул қилинди, бу жараёнга худудлар фаол жалб қилинади.

Савдо ва кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Россияда Ўзбекистоннинг тўлақонли савдо ваколатхонаси очилди.

Инвестиция ва технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик суръати юқори баҳоланди. Ўзбекистонда уч мингдан ортиқ Россия компаниялари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Энергетика, кимё ва нефть-кимё, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, логистика, тўқимачилик, озик-овқат со-

ноати ва бошқа тармоқларда лойиҳалар амалга оширилмоқда. Тошкент вилоятида татаристонлик ҳамкорлар билан бирга ишга туширилган "Химград" саноат зонаси кенгайтирилмоқда, Жиззах вилоятида унинг филиали барпо қилинмоқда.

Россия худудларининг етакчи корхоналари билан кооперация лойиҳаларини илгари суриш учун янги қўшма саноат зоналарини ташкил этиш режалари қўллаб-қувватланди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш устувор йўналиши сифатида кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон худудларида агрологистика марказлари тармоғини кенгайтириш ишларини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Худудларга Россияда улгуржи-таксимлаш марказларини ривожлантириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини биргаликда етиштириб, кейинчалик юртимизга етказиб бериш бўйича тортиқлар берилди.

Маданий ҳамкорлик бўйича уч йиллик дастур қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти туризм алмашилувини кенгайтириш муҳимлигини таъкидлади. Сўнгги бир неча йилда россиялик туристлар сони 5 баробарга ошди. Ўзбекистон ва Россиянинг барча йирик шаҳарлари мунтазам авиақатновлар билан боғланган.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон ва Россиянинг тарихий шаҳарларига туристик йўналишлар ва савҳатларни ривожлантириш бўйича янги қўшма дастурларни қабул қилишни тақлим қилди.

Ўз навбатида, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин мамлакатимиз билан кўп қиррали муносабатларнинг ривожланишидаги ижобий тенденцияларни юқори баҳолаб, Россия ва Ўзбекистон худудлари ўртасидаги мавжуд ишбилармонлик алоқаларини мустаҳкамлашнинг муҳим аҳамиятини таъкидлади. Ишбилармон доира вакилларини қўшма лойиҳалар ва ташаббусларни амалга оширишда фаол иштирок этишга чақирди.

Мажлис доирасида бир қатор янги йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошлангани эълон қилинди.

Умуман, кенгаш доирасида савдо-иқтисодий, илмий-техник ва гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича худудларо ҳамкорлик ҳужжатлари ва битимлар тўплами имзоланди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, Икром АБВАЛБЕКОВ, Ўза мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ САММИТИ ЯКУНЛАРИ, ҲЕЧ МУБОЛАҒАСИЗ, ИККИ ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРУВЧИ ТАРИХИЙ ВОҚЕАДИР

Икки давлат раҳбарларининг товар айирбошлаш ҳамжони ошириш, стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш ва аввал эришилган келишувлар ижросига қаратилган олий даражадаги музокаралари сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Мамлакатлар раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон ва Россия худудлари кенгашининг биринчи йилги йўналиш ўтказилиши алоҳида эътиборга лойиқдир. Хусусан, ушбу форумда катнашиш учун Россиянинг 18 нафар губернатори Тошкентга келди. Бундай ёндашув икки давлат ўртасидаги худудларо ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги муваффақиятлардан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан, сўнгги йилларда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги, хусусан, савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтарилганини алоҳида таъкидламоқчиман. Савдо айланмаси ва лойиҳалар сони мутасил ошиб, корхоналар ҳамда худудлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик фаоллашди. Хусусан, 2023 йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамжи сезиларли даражада ўсди ва 10 миллиард доллардан кўпайди. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткичларнинг ўсиши давом этди.

Айтиш керакки, саммит доирасида икки томонлама ҳужжатлар янги пакетининг қабул қилингани ва уларнинг амалга татиқ этилиши, шубҳасиз, давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий, сарможавий, илмий-гуманитар, транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни, шунингдек, икки давлат аҳолиси турмуш даражасини янада ошириш ва бошқа соҳалардаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ташриф натижалари мамлакатлар ўртасидаги шериклик ва дўстлик муносабатларини янада ривожлантиришга кучли туртки беришига ҳамда Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги худудларо ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқишига ишонч комил.

Мажед ат-ТУРКИЙ, Ахборот ва рус-араб тадқиқотлари маркази директори (Саудия Арабистони):

— Ташриф Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги шериклик ва стратегик иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, ушбу ташриф икки давлат ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг юқас даражасини тасдиқлайди. Чунки бу Россия Президентининг давлат раҳбари этиб қайта сайланганидан кейин, Хитой ва Беларусга ташрифлари якунлари бўйича хоржий сафарларининг устувор йўналишидан биридир.

Ташриф 2005 йилда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ва 2022 йилги Кенг қамровли стратегик шериклик тўғрисидаги декларация доирасида бўлиб ўтди. Бугунги кунда 370 дан ортиқ ҳужжатлардан иборат мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база ўзбек ва рус халқларининг тараққиёти ҳамда фаровонлиги йўлида ўзаро манфаатли ва кўп қиррали шериклини янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам устун бўлаётди.

Икки томонлама асосда ҳам, халқаро бирлашмалар доирасида ҳам амалга оширилаётган Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти "Глобал Жануб" томонида жаҳон мувозанатини сақлаш ва умумбашари адолатли жамиятга эришиш учун кўп қутб-ли дунёни барпо этиш йўлида олиб борилаётган халқаро ўзгаришлар нуқтаи назаридан ҳам кўриб чиқиши керак.

Халқаро кузатувчилар таъкидида кўра ташриф натижалари икки томонлама, ҳатто минтақавий доирадан ҳам ошиб кетиб, халқаро миқёсда ўз таъсирини кўрсатади.

Холид МАХМУД, Покстонлик тадбиркор, «Novugen Pharma» компанияси асосчиси:

— Эътиборлики, бу Россия раҳбарининг Президент этиб қайта сайланганидан сўнг Хитой ва Беларусдан кейинги учинчи хоржий ташрифи саналади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бу Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоҳида муносабатлардан далолат беради.

Икки давлат ўртасидаги изчил ривожланаётган иқтисодий алоқалар нафақат Ўзбекистон ва бутун минтақа, балки Покстон учун ҳам катта аҳамиятга эга.

Сийёсатчиларимиз, ишбилармонларимиз икки томонлама учрашув ва музокараларнинг боришини диққат билан кузатишди.

Ўзбекистон нафақат Покстоннинг минтақаддаги стратегик савдо-иқтисодий ҳамкори, балки Россия ва МДХнинг бошқа мамлакатларида махсулотларимизни илгари суриш бўйича транзит мамлакат ҳамдир.

Шу босис биз Ўзбекистон — Россия муносабатларининг янада ривожланиши ва чуқурлашишини, икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини қўллаб-қувватлаймиз.

Ўзбекистон ва Россия барча даражада, жумладан, минтақаларо даражада ўз орбитасига тобора кўпроқ янги иштирокчиларни жалб қилган ҳолда жадал ва кенг қўламли алоқаларни давом эттирмоқда. Шунингдек, мамлакатлар БМТ, МДХ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа глобал ҳамда минтақавий тузилмалар доирасида ҳам бир-бирининг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаб келаётди.

Сирдарё вилоятида ташкил этилган «Novugen Pharma» компанияси бир неча йилдан буюн Ўзбекистон фармацевтика бозорига муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

Ўзбекистон — Россия савдо-иқтисодий муносабатлари ўзбек товарлари ва хизматларини сотиш учун қанчалик муҳим эканини шахсий тажрибамдан биламан. Чунки компаниямиз Ўзбекистонда ҳам фаолият олиб боради. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган махсулотларимизнинг бир қисми Россия ва МДХнинг бошқа мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Шунинг учун биз Ўзбекистон раҳбари ва унинг россиялик ҳамкасби ўртасидаги келишувларга катта аҳамият қаратамиз.

Омид РАҲИМИЙ, Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт, эронлик таҳлилчи: — Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги муносабатлар стратегик хусусият касб этаётди. Мам-

лакатлар Марказий Осиёда, айниқса, Афғонистонда барқарорлик ва хавфсизлик соҳасида умумий манфаатларга эга. Икки давлат Марказий Осиёнинг жанубий чегаралари хавфсизлигини кафолатлаш ҳамда узоқ муддатли стратегия доирасида Трансафғон йўлига каби лойиҳалар орқали афғон зами-нида тараққиёт ва хавфсизлигини таъминлаш мумкин.

Коллаверса, Россия Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий ҳамкори ва ушбу мамлакат энг муҳим экспорт йўналишларидан бири эканигини унутмаслик керак. 2023 йилда кузатилган оғир иқтисодий шариқта Ўзбекистоннинг Россияга экспорти 5 фоизга ошиб, 3,3 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилди.

Ушбу кўрсаткичлар икки томонлама муносабатларда иқтисодийнинг муҳимлигини яққол кўрсатиб турибди. Шунингдек, Ўзбекистон ҳуку-матининг Евроосиё иқтисодий иттифоқида кузатувчи мамлакат бўлиш тўғрисидаги қарори асосли эканигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда Москвада бўлиб ўтган Олий Евросиё иқтисодий кенгашининг навбатдаги мажлисида кузатувчи мамлакат етакчиси сифатида иштироки ва илгари сурган ташаббуслари Россия билан иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни янада жадаллаштиришга туртки бўлиши мумкин.


Шерадил БАКТИГУЛОВ, Қирғизистон Президенти ҳузуридаги Стратегик тадқиқотлар миллий институти илмий ходими: — Бундан 20 йил аввал, 2004 йил июнь ойда Тошкентда Ўзбекистон ва Россия ўртасида асосий давлатларо ҳужжатлардан бирига айланган Стратегик шериклик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Ҳужжат ўзаро ҳамкорликнинг асослари ва йўналишларини белгилаб берди.

Ўсиб бораётган икки томонлама ҳамкорлик кўрсаткичларидан бири — бу ўзаро товар айирбошлаш бўлиб, у алақачон ўн миллиард долларлик доводдан ошган.

Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик қўллаб соҳаларда, жумладан, энергетика, аэрокосмик,



Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги саммитда иштирокчилар.



Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги саммитда иштирокчилар.

кимё муҳандислиги, таълим, транспорт, инфра-тузилма, қишлоқ хўжалиги ва бошқаларда ҳам изчил ривожланишини кутиб қоламиз. Зотан, Ўзбекистон ва Россия иқтисодий бир-бирини тўлдирди.

Президент Владимир Путиннинг Тошкентга давлат ташрифи унинг 2024 йил март ойда давлат раҳбари сифатида қайта сайланганидан кейин Ўзбекистон учун алоҳида аҳамиятга эга. Жорий йилнинг май ойда Владимир Путин ўзининг инаугурация маросимидаги нуқтада Россия ташқи сиёсатида Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор йўналиш эканигини тасдиқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев 2016 йилда Ўзбекистоннинг минтақаддаги қўш-лар билан ҳамкорлиги устуворлигини эълон қилган эди. Қўриб турганимиздек, ҳар икки Президентнинг ташқи сиёсат йўлида ўхшаш стратегик қарашлари мавжуд.

Коллаверса, Ўзбекистон Россиянинг Марказий Осиё минтақасидаги стратегик ҳамкори ва иттифоқчиси. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар ишончли ҳамда дўстона сиёсий мулоқот билан ажралиб туради. Ҳужжатларро жуда яхши мулоқот ўрнатилган. Унинг ишончилигини ҳар икки давлат ҳукумат раҳбарлари даражасида Қў

Мулоқот

Вақилимиз ЖССТ Европа минтақавий бюроси семинарида қатнашди

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмухамедова Брюссель шаҳрида руҳий саломатлик соҳасида етакчилик ва трансформация масалаларига бағишланган ЖССТ Европа минтақавий бюроси семинарида қатнашди.

22 та мамлакатдан 80 дан ортиқ мутахассислар иштирок этган семинарда стигма билан курашиш ва жамиятда руҳий саломатлик бўйича етакчиликни кучайтириш ҳамда мольявий ҳимоя ва руҳий саломатликка сармоа киритиш масалаларига бағишланган бир қатор сессиялар ўтказилди.

Жамиятда руҳий саломатлик бўйича етакчиликни кучайтириш сессияси доирасида вақилимиз ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар, хусусан, ёшлар руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Айни чоғда Сенат бошчилигида ташкил этилган ўсимлар ва ёшларнинг руҳий саломатлигини профилактика қилиш ва мустаҳкамлаш масалалари бўйича идоралараро ишчи гуруҳ фаолиятига ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

Д. Тошмухамедованинг ЖССТ Европа минтақавий бюроси Мамлакат стратегиялари ва соғлиқни сақлаш тизимлари бўлими директори Н. Мускат билан бўлиб ўтган учрашувида мазкур тузилма ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва уни чуқурлаштириш истиқболлари кенг муҳокама қилинди.

Сенатор ва ҳаёт

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар — эътибор марказида

Олий Мажлис Сенати аъзолари мунтазам равишда жойларда бўлиб, турли йўналишларда ўрганиш олиб бормоқда, жумладан, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳолатини таҳлилдан ўтказмоқдалар. Улар ана шу жараёнда "маҳалла еттилиги" — Кенгаш — Сенат" уч бугунги ҳамкорлик тизимидан самарали фойдаланишаётди.

Хусусан, сенатор Бахтигул Бўтаева Сурхондарё вилоятининг Шеробод тумани маҳаллий Кенгаш депутилари билан ҳамкорликда тумани ишисизликдан холи ҳудудга айлантириш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ҳамда томоқлардан унумли фойдаланиш орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида "маҳалла еттилиги" томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиб чиқди.

Тумандаги Бобод маҳалласида Сайёнобод тажрибаси йўлга қўйилган бўлиб, бу айни пайтда ўз самарасини бермоқда. Яъни маҳалла аҳолиси томоққа ва хонадонлар имкониятларидан самарали фойдаланиб, ўзларининг даромадларини оширяпти. Айниқса, маҳалла аҳолиси томонидан паррандачилик, асаларичилик ҳамда сабзавот ва бошқа экинлар етиштириш борасида яхши тажриба йўлга қўйилгани ишчи гуруҳ эътиборини тортди.

Ўз навбатида, ишчи гуруҳ томонидан тумандаги маҳаллаларда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, уларни касбга ўқитиш орқали жамиятдаги фаоллигини ошириш, иқтисодий шарт-шароитини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар ва яратиб берилган имкониятлар ҳамда қабул қилинган Фармон ва қарорлар ихроси чуқур таҳлилдан ўтказилди.

Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ аъзолари аҳоли бандлигини таъминлаш, томоққа маданиятнинг шакллантириш орқали оилавий тадбиркорликни янада кенг ривожлантириш ҳамда "маҳалла еттилиги"нинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш борасидаги ишларни кенгайтириб бориш юзасидан масъулларга зарур тавсия ва тақлифларни берди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТЛАР — ҲУДУДЛАРДА

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ УЙЎНУЛИГИ

Аввал хабар берилганидек, шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайлов округларида бўлиб, фуқаролар билан очик мулоқотлар ўтказмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг ҳаётимизда нечоғли аҳамиятга эгалиги, янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти жойларда уюштирилаётган учрашувларнинг асосини ташкил этаётди.

Аҳолига қандай ижтимоий хизматлар кўрсатилмоқда?

Қонунчилик палатаси депутати Акшагул Тулегенова Навоий вилоятининг Қонимех туманида бўлиб, "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази биносининг очилиш маросимида қатнашди.

Таъкидланганидек, бугун давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жойларда тузилган "Инсон" ижтимоий хизматлар марказлари инсон манфаатларини ҳимоя қилишда ақдил қўмақчига айланди. Маҳаллалар даражасида аҳолига индивидуал ёндашув асосида профессионал ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш орқали оғир вазиятга тушиб қолган фуқароларимизнинг ижтимоийлашувига эришилмоқда. Хусусан, Қонимех туманидаги маҳаллаларда комплекс хизмат кўрсатувчи 6 нафар ижтимоий хизмат томонидан жами 112 та кейс очилган бўлиб, шундан бугунги кунга қадар 61 таси бўйича ижтимоий хизматлар кўрсатилиб, фуқароларнинг мушқули енгилаштирилди.

Фойдаланишга топширилган янги бинода ногиронлиги бўлган шехслар учун барча шарт-шароит яратилган. Жумладан, пандуслар, Брайль алфбидидаги ёзувлар ҳамда шинам, ёғур хоналар ва ҳоказо. Шунингдек, марказда психолог хизмати, тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Депутатнинг навбатдаги маърузи Қўзилтепа тумани бўлди. Халқ вакили "Тошработ" МФИда жойлашган

24-оилавий поликлиникада бўлиб, шифокор ва ҳамширалар билан суҳбатлашди. Уларга қонунчиликдаги янгиликлар, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Самимий мулоқотлар давомида оилавий поликлиника шифокори Аҳор Рўзиёв ва бошқалар юртимизда тиббиёт соҳасидаги саноат-характерларни алоҳида эътироф этдилар. Шу билан бирга, соҳани янада ривожлантириш бўйича ўз фикр-мулоҳазалари, тақлифларини билдирди.

«Маҳалла еттилиги» фаолияти ўрганилди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Мухтор Ҳожиматов ҳам жойлардаги мавжуд муаммоларни маҳаллабай, хонадонбай ўрганиш мақсадида Наманган шаҳридаги бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, таълим муассасалари фаолияти билан танишди.

Хусусан, "Марғилон", "Янги аср", "Зиёкор", "Зарбдор" маҳалла фуқаро лар йиғинларида бўлиб, "маҳалла еттилиги" билан учрашди.

Учрашув давомида сўнги йилларда тизимни такомиллаштиришга доир юзга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, маҳалла институтининг жамият бошқарувидаги ўрни ва ролинини оширишга қаратилган салмоқли ишлар бажарилгани қайд этилди.

— Маҳалла — барчамизни жипслаштирадиган, меҳр-оқибатни, инсонийликни ўргатадиган, асрлар оша мил-



лий урф-одат ва аъноларимизни беэзавол саклаб келадиган маскан ҳисобланади, — деди депутат М. Ҳожиматов. — Кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида соҳада олиб борилаётган ислохотлар натижасида у ҳаётимизга дахлдор масалаларни ҳал этишда халқ ва давлатни бир-бирига яқинлаштириб, муносабатларни тартибга солувчи муҳим тузилмага айланмоқда.

Кўтаринки руҳда ўтган мулоқотда фуқаролар сўнги йилларда ушбу соҳада қандай ўзгаришлар бўлаётгани, айниқса, маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси, профилактика инспектори, ижтимоий хизмат ва солиқ инспекторидан иборат таъсирчан тузилма фаолияти йўлга қўйилгани бугун ўз самарасини бераётганини таъкидлашди.

Учрашувлар чоғида депутат ҳудуддаги бир қатор ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли хонадонларида ҳам бўлиб, фуқароларни ўйлантириб келаятган масалаларни ўрганди.

Битирувчи ёшларга маслаҳатлар берилди

Парламент кўйи палатаси депутати Зумрад Бекатова ҳам ўз сайлов округи

да бўлиб, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, сайловчиларнинг яшаш тарзи билан яқиндан танишмоқда. Уларни қўйиб қолган муаммо ва камчиликларни ваколатли давлат органлари билан ҳамкорликда ҳал этиш чораларини кўряпти.

Депутатнинг дастлабки маърузи Амурдёр туманидаги "Қизилчол" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 9-мактаб бўлди.

У ўқувчи ёшлар билан бўлиб ўтган мулоқот давомида мустақил ҳаётга қадам қўяётган битирувчиларни самимий таъриқлаб, келгуси ишларидо омадлар тилади ва муносиб билим ҳамда хунар эгаллашлари учун ўз маслаҳатларини берди. Кейинги йилларда юртимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида ёшларимиз турли фанлар, спорт, санъат ва адабиёт соҳаларида ўз қобилиятини яққол намоён қилиб келаятганини алоҳида эътироф этди.

Депутат, шунингдек, "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, хонадоннома-хонадон, уйма-уй юриб аҳолининг яшаш шароитлари билан яқиндан танишди. Фуқароларга қонунчиликдаги янгиликлар ҳақида тушунтиришлар берилди.

Учрашувларда аҳолини қўйиб қолмаётган бир қатор муаммолар назорат

либ, айниқса, таълим тизими бундай пахта қулиғига айлантилган, талабга қўйиллиб, профессор-ўқитувчилар ҳам оғир шароитларда ишлаб, яшаш умри ўтганлигини оқлаб бўлмайдими. Шахсан Президентимизнинг сиёсий иродаси тўғрисида пахта яққолликларига барҳам берилди.

Шу ўринда таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир" деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат экани кўнгилдан кечадди. Чунки пахта яққолликларига барҳам берилмиши нафақат ўқувчи ва ўқитувчиларни мажбурий мўҳлатдан озод қилди, балки таълимда янги ислохотларни бошлашга йўл очди. Инчунин, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллиятни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим-тарбиядир. Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг ривожлантиришининг ўзига хос янги стратегияси амалга оширилмоқда ва бу ўз самарасини берапти. Олий таълим қамрови

Депутат сўровидан сўнг муаммо ҳал бўлди

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Баҳромжон Раҳмоналиев Олтиарқ туманида бўлиб, "Повулон" ва "Қапчугай" маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли вакиллари билан очик мулоқотлар ўтказди.

Сўхбат давомида фуқаролар ўзларини ўйлантириб келаятган айрим масалалар бўйича депутатга мурожаат қилди. Халқ вакили тегишли идора масъуллари билан биргаликда қўлаб мурожаатларни жойида ҳал этиш чораларини кўрди. Ечми узоқ вақт талаб қиладиган масалалар назоратга олинди.

Маълумки, депутат яқинда Олтиарқ туманидаги Катпут ва Азимобод ҳудудларида фуқаролар билан учрашувлар ўтказган эди. Мулоқотлар чоғида "Катпут" МФИда яшовчи фуқаролар Фаргона — Қўқон автомагистраль йўлида жойлашган 11 ва 43-мактабларнинг пидедалар ўтқиш йўлига ҳамда Азимобод ўшилоғининг кириш қисмига светофор ўрнатишда ёрдам сўраган эди.

Депутат мазкур мурожаат юзасидан Автомобиль йўллари қўмитасига депутатлик сўрови юборган эди. Халқ вакили саноат-характери билан бу муаммо бартараф этилиб, ушбу ҳудудларга замонавий светофорлар ўрнатилади. Бу, ўз навбатида, фуқаролар, айниқса, ўқувчи ёшларнинг хавфсизлигини таъминлаб, йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда оқибатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳудудлардаги учрашувлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Фикр

ЎЗАРО АЛОҚАЛАРНИНГ ЮКСАК БОСҚИЧИ

Ўзбекистон ва Россия муносабатлари тарихи бир неча асрларга бориб туташади. Ана шу ўтган давр давомида икки давлат ўртасидаги алоқалар турли даражада бўлгани, аммо бугунги кунга келиб у ўзининг энг юксак босқичига кўтарилгани алоҳида эътиборга молик.

Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистонга амалга оширган бу гапга таширифтага тайёргарлик доирасида парламент аъзолари учрашувлари, сиёсий маслаҳатлашувлар, "Иннопром" кургзамаси, икки мамлакат етакчи муҳандислик-техник олий ўқув юртли ректорлари ҳамда нуфузли тиббиёт муассасалари раҳбарларининг анжуманлари ўтгани, пойтахтимизда эса Рус санъати хафталиги давом этаётгани бунга ёрқин мисол бўла олади.

Кўксарой қоргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг тор доирада ўтган учрашуви асосида ҳам бу алоҳида эътироф этилди.

Айни чоғда икки давлат етакчилари томонидан Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари кўриб чиқилдики, бу икки та-

латхонаси фаолияти йўлга қўйилди.

Музокаралар давомида тиббиёт соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари масаласи ҳам эътибор марказида бўлди.

Ўзбекистон ва Россиянинг тиббиёт йўналишидаги алоқалари хусусида сўз борганда, пойтахтимиз мезбонлик қилган "Ўзбекистон — Россия: саломатлик йўлида ҳамкорлик" мавзусидаги илмий-амалий конференцияни эслатиб ўтиш ўринлидир.

Мазкур анжуман икки давлатнинг соғлиқни сақлаш тизими масъуллари, соҳа экспертлари ва олимлари учун ўзаро таъриба алмашиш ҳамда янги қўшма лойиҳаларни ишга тушириш имкониятларини кўриб чиқиш учун ўзига хос мулоқот майдони бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон учун Россия билан мазкур соҳадаги ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга эга. Тиббиёт йўналишидаги ҳамжиҳатлигимиз касалиқларни даволаш борасида ўзаро таъриба ва технологиялар алмашишдан тортиб, қадрларни тайёрлашга, умуман олганда, соҳанинг барча йўналишини қамраб олган.

Илмий-амалий анжуман доирасида россиялик мутахассислар томонидан 172 нафар

бемор тиббий кўриқдан ҳамда 35 нафар беморда юқори технологияли жарроҳлик амалиётлари ўтказилганлиги бунга яққол мисолдир.

Қолаверса, конференция давомида икки давлат тиббиёт марказлари ва институтлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича 10 дан ортиқ келишувлар имзоланди.

Шунингдек, қатнашчилар юқори технологияли хирургик ёрдамни ривожлантириш, икки давлатнинг тиббиёт олийгоҳлари ўртасидаги қўшма дастурлар, онкологиядаги илгор технологиялар, неонатал скрининг ҳамда Ўзбекистонда шовшинлик тиббиёт ёрдам хизматидаги ютуқлар, урологияда робот хирургиясининг янги имкониятлари, эндокардиология соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик каби долзарб мавзулардаги маърузаларни тинглаш имконига эга бўлишди.

Музокаралар давомида бу борадаги ютуқларимиз эътироф этилгани ҳолда уни янада ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар илгари сурилди ва қатор келишувларга эришилди. Ишонимизки, бу тиббиёт йўналишидаги ҳамкорлик алоқаларимизга янги суръат беради.

Манзура САЛИМОВА, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

ТУРЛИ СОҲАЛАРДАГИ ФАОЛ АЛМАШИНУВЛАР МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Маълумки, Ўзбекистон ва Россия кўп асрлик алоқалар, географик яқинлик ва умумий тарихий илдизлардан келиб чиққан бой маданий ҳамкорлик тарихига эга. Рус тили ва маданиятининг ўзбек маданиятидаги ўрни сезиларли бўлиб, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий каби атоқли ўзбек ёзувчи ва шоирларнинг ҳам ижодий кўпчилик русларга яхши таниш.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон мустақилликка эришган мамлакатлар ўртасидаги маданий ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Бунга Ўзбекистонда ва Россияда маданий кунлари мунтазам равишда ўтказиб келинаётгани мисолида қўриш мумкин. Уларда театрлаштирилган томошалар, кургзамалар, концертлар ва икки мамлакат фуқароларини бир-бирининг маданий ютуқлари билан таништирувчи фестиваллар мунтазам ўтказилаётди.

Айни пайтда санъат соҳасида алмашинув дастурлари фаол амалга оширилаётгани эътиборга молик. Масалан, ўзбек рассомлари ва мусиқачилари учун Россияда маҳорат дарслари, шунингдек, россиялик рассомларнинг Ўзбекистондаги маданий тадбирларда иштирок этиши диққатга сазовор. Бу ташаббуслар маданий алоқаларни замонавий даражада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Шу нуқтага назардан айтганда, Ўзбекистон ва Россия Федерацияси раҳбарларининг кеча бўлиб ўтган учрашуви сиёсий ва иқтисодий масалаларни муҳокама қилишдан ташқари, икки давлат ўртасида тарихан ўрнатилган дўстлик алоқаларини, хусусан, маданият ва таълим соҳаларини мустаҳкамлашга қаратилгани билан аҳамиятли бўлди.

Ташриф давомида таълим соҳаси-

даги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас. Чунки бугунги кунда Ўзбекистон ва Россия кўшма таълим дастурларини яратиш, талабалар ва ўқитувчилар алмашинуви бўйича фаол иш олиб бормоқда. Бу ёшларга ҳар икки давлатнинг энг яхши университетларида таълим олиш имконини беради, шунингдек, ўзаро таъриба ва билим алмашишга шароит яратди.

Шу маънода, икки мамлакат делегациялари иштирокида бўлиб ўтган музокараларда маданият ва санъат, ҳам, соғлиқни сақлаш, туризм, ёшлар ҳамда спорт соҳаларида фаол алмашинувлар давом эттирилиши таъкидланиб, томонлар Ўзбекистонда Бауман номидаги Москва техника университети ва Бутунроссия ташқи савдо академияси филиалларини очиб бўйича келишувларга эришилганини фақат оқлашшга мумкин.

Умуман олганда, Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифиди икки мамлакат ўртасидаги маданий-маърифий алоқаларининг яна бир тасдиғи бўлди. Қолаверса, бу икки томонлама муносабатларни янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин яратди.

Инна КОРЖИКОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.



Фармацевтика: ТАҢҚИДИЙ ТАҲЛИЛЛАРДАН ҚАНДАЙ ХУЛОСАЛАР ҚИЛИНАДИ?

Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимида соғлиқни сақлаш соҳаси алоҳида ўрин тутди. Зеро, ҳар қандай мамлакатнинг кайта бойлиги халқи саломатлигидир. Шу боис кейинги йилларда юртимизда барча соҳа ва тармоқларда бўлгани каби аҳолини дори воситалари, тиббиёт бўюмлари ва тиббий техника билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ҳам комплекс чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Мулоҳаза

Хусусан, аҳоли ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларининг арзон ва сифатли фармацевтика маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш, фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини тартибга солишга қаратилган 50 га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Аммо таҳлиллар бугун аҳолиимизнинг барча қатлами учун соҳада яратиб берилган имтиёз ва хизматлардан тўлақонли ва унумли фойдалана олаётгани, деган саволни сўроқ остида қолдирмоқда. Боиси айрим "тадбиркорлар" ушбу соҳада яратиб берилаётган имтиёз ва рағбатни халқнинг оғирини енгили қилиш учун имконият, деб эмас, аксинча мўлмай пул топиш манбаи, деб билиши аҳолининг ҳақли эътирозлари га сабаб бўлмоқда.

Агар республикаимизда 2018 йилда 10 минг 764 та дорихона фаолият олиб борган бўлса, ҳозирги кунга келиб улар сони 16 мингдан ортиқни ташкил этмоқда. 2300 нафар мамлакатда ўртача 2300 нафар кишига битта дорихона тўри келади.

Бу кўрсаткич хорижий давлатларга қўйсанганда битта дорихона Данияда 18,5 минг, АКШда 5,3 минг, Буюк Британияда 4,96 мингта, Германияда 3,97 мингта, Туркияда 3,36 минг кишига тўри келади. Кўриб турганимиздек, Ўзбекистонда бу кўрсаткич жуда катта тафовутни ташкил қилиб, дорихоналар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Рақамлар чуқурроқ таҳлил этилганда, дорихоналар олис ҳудудларда аҳолининг оғирини енгили қилиш учун эмас, аксинча шаҳар марказларида фармацевтика ва тиббиёт ходимлари орасидаги аширин келишув асосида очилаётганини кўрсатмоқда.

Бу каби салбий ҳолатларни бартараф этиш ҳамда аҳолининг арзон ва сифатли дори воситаларига бўлган дори воситаларига бўлган таъриба ва билим алмашишга хизмат қилади.

Умуман олганда, оқорда белгилаб берилган вазифаларини амалга оширилиши фармацевтика соҳасини янги босқичга олиб чиқишга, аҳолига сифати юқори бўлган дори маҳсулотларини етказиб беришга, фуқароларнинг тиббий хизматдан фойдаланиш қулайликларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Олтиной МАМИРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Пойтахтимизда Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар вазирлик ва идоралари матбуот котибларининг «Ахборот хизматлари — 2024: миллий ва хорижий таъриба» мавзусида қўшма ўқув семинари бўлиб ўтмоқда.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ ҲАЁТГА КЎЧМАСА, У ҚОҒОЗДА ҚОЛИБ КЕТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг вице-президенти, биология фанлари доктори, профессор Шахло ТУРДИҚУЛОВА билан суҳбат

— Аввало, Фанлар академиясининг вице-президенти этиб тайинланганингиз билан табриклаймиз! Сиз Ватанимиз илм-фани бўлгои бўлган муассасанинг 80 йиллик тарихида ушбу юксак лавозимда иш бошлаган илк аёлсиз. Албатта, бу юксак шараф, аини пайтда масъулият ҳам...



ҳам кўп. Уларни иккига бўлиш мумкин. Биринчи — соҳадаги таълимий масалалар билан ҳамкорлик қилиш мумкин. Иккинчи — соҳадаги таълимий масалалар билан ҳамкорлик қилиш мумкин.

— Кутлов учун ташаккур! Албатта, Фанлар академиясининг вице-президенти сифатида фаолият юритиш мен учун катта шараф. Аслида мен Фанлар академиясига бегона эмасман. Бир неча йиллар илгари мана шу даргоҳнинг ёш умидли олимларидан бири сифатида илм-фан майдонига кириб келганман. Фанлар академияси — мамлакатимиз илм-фаннинг асоси. Йиллар давомида бу ерда шаклланиб келиб каттаб, яратилган илмий ишланмалар, олиб борилган тадқиқотлар натижалари жамият тараққиётига, таълим, санат, соғлиқни сақлаш, ишлаб чиқариш муассасалари, умуман, ҳаётнинг барча жаҳаси ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти.

Тўғри, академия тарихининг турли синувларини бошдан кечирган вақтлар бўлди. Лекин қандай машаққатлар, ютуқлар дари бўлмасин олимлар, илм-фан фидойилари илмий-тадқиқот институтларидан узоқлашмади. Фани ўз тақдирини деб билган инсонлар шу даргоҳда миллат ва мамлакат ривожини учун хизмат қилди. Илм-фаннинг фидойиларининг меҳнати, жонқурлиги, садоқати эвазига Фанлар академияси ўз мақолини, ҳаётимиздаги ўрнини, аҳамиятини бугунга қадар сақлаб келмоқда.

Президентимиз бошчилигида мамлакатимиз тараққиётининг янги даврида соҳага муносабатини тубдан ўзгаргани боис академия фаолиятида ҳам янги, ўзига хос босқич бошланди. Илм-фан илмий-тадқиқот институтлари лабораторияларидан чиқиб, инновацияларга хизмат қила бошлади. Янги илмий ишланмалар, стартаплар мамлакатимиз иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга ва барқарор жамият қуришга ёрдам бермоқда. Мен ана шундай ёруғ истиқбол сари дадил қадам ташлаётган жамоанинг бир бўлагига айланиш мақсадида бу даргоҳда янги бир даврни бошлаётганимдан мамнунман.

— Фаолиятингиз билан танишиб, тўғриси, қанчалик қувонган бўлсак, шунчалик факрландик ҳам. Зеро, сиз эришаётган ютуқлар миллилатимиз даҳосининг ифодаси ўлароқ барчамизга ана шундай ёруғ туйғулар бахш этиши табиий. Айтинг-чи, сиз учун илм-фан ўзи нима, у қандай бўлиши керак ва мазкур соҳанинг юртимиздаги бугунги аҳволига қандай баҳо бериасиз?

— Эътирофимиздан бошим кўкка етди. Аслида биз тарихда икки бор цивилизацияни яратган, инсоният тараққиётига салмоқли хўша қўшган буюк халқ фарзандлари сифатида кўп нарсаларга қодиримиз. Томирларимизда хоразмийлар, бухорийлар, термизийлар, ибн синнолар, улугбеклар, навоийлар қони оқмоқда. Ана шундай буюк зотларга муносиб авлод бўлиш ҳаммамизнинг зиммасидаги шарафли бурч.

Мен мана шу улуг ишга боримни бағишлашди. Илм-фан умрим мазмунига айланган. У эзгуликка хизмат қилиш, ҳаётда яхши из қолдириш, мамлакатимизни дунёга янада танитиш, қандай буюк аждодларнинг авлоди эканимизни, миллилатимиз заковати, қувваи ҳофизасини яна бир бор исботлаш воситасидир. Ана шу тушунчанинг ўзи илм-фаннинг қандай бўлиши, қай даражада ривожланиши кераклигини кўрсатади. Хар қайси илмий тадқиқот ҳаётимиз билан боғлиқлиги, унинг натижаси одамлар турмуш тарзини яхшилаштириши, умуман олганда, башарият тараққиётига хизмат қилиши шарт. Бугунги кун илм-фани динамик, ўзгарувчан, ўсувчан бўлиши, замонавий муаммолар ва мавжуд камчиликларни рўйроқ кўрсатиб, уларга ечим излаши лозим.

Мамлакатимизда илм-фан ривожини учун ҳамма шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Қатор қонунлар, Президентимизнинг Фармони ва қарорлари, турли йўналишларда, академиклар, олимлар билан урчушувларда белгилаб берилган вазифалар соҳага ёндашувларини ҳам, унинг тараққиёт йўналишларини ҳам бутунлай ўзгартирмоқда.

Илгари Фанлар академияси таркибидagi кўплаб институтлар тугатилган ёки олиғоҳлар таркибига ўтказилган бўлса, кейинги йилларда улар яна Фанлар академияси таркибига қайтарилди. Институтлар таъмирланиб, замонавий жиҳозларга, лабораторияларга эга бўлмоқда. Қисқа вақтда олимларнинг ҳам моддий таъминоти сезиларли даражада яхшиланди. Бугун илмий даражага эга бўлганлар маошига 30 — 60 фоизлик устамалар тўланапти. Бу эса тадқиқотчиларда рағбатни ошириб, илмий таъкилотларда илмий даражага эга бўлиш суръатларини ўсмонди.

Албатта, мактаданга ютуқлар билан бирга, ҳали ечимини кутаётган муаммолар

ҳозирги кунда генетика ва биотехнологияни ривожлантирмаган мамлакатлар яқин йилларда тараққиётда орқада қолади, деб прогноз қилмоқда. Бу бежиз эмас. Биринчидан, биотехнология ва генетика замонавий илм-фаннинг энг илгор йўналишлари бўлиб, унда деярли ҳар ой янги ва энг муҳим кашфиётлар рўй беради. Бу оддий одамга янги "I-Phone" ишлаб чиқарилиши каби сезилмаслиги мумкин, аммо аҳамияти жиҳатидан бу кашфиётлар салмоқли бўлади. Яъни улар инсон, унинг саломатлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, атроф-муҳит барқарорлиги учун нихоятда муҳим.

Иккинчидан, биотехнология ва генетика ютуқларига дунё бўйича талаб жуда юқори бўлиб, бу жиҳатдан ахборот технологияларидан кейинги ўринда туради. Аини соҳадаги илмий изланишлар мевасидан улкан даромад кўриш мумкин. Шу билан бирга, кўплаб соҳаларда харажатларни қарра-сига қамайтириш имконини беради. Од-



дий мисол: дунёда биринчи инсон геномини ўқиш учун 10 йил ва 3 миллиард доллар керак бўлди, энди геномини декодлашга тахминан 600 АҚШ доллари кифоя. Эндиликда хар бир киши ўз геноми ҳақида батафсил маълумотлар жоиланган генетик паспорт олиши мумкин, бу каби амалиётни мамлакатимиз лабораторияларида ҳам бажариш имкони бор. Аммо юртимизда генетика ва биотехнология бўйича муайян ютуқлар кўлга киритилаётган бўлишига қарамай, мазкур йўналишга ҳали бозор механизми етарли таътиб этилгани йўқ.



Соҳадаги муваффақиятлар тўғрисида кўп сонли янги авлод дори воситалари ишлаб чиқилмоқда ва бозорда пайдо бўлмоқда. Масалан, инсоният узоқ вақт давомида қандли диабет учун самарали даво усулларини, чораларини кутмоқда. Эсимда: ўтган асрнинг 90-йилларида университетдаги биотехнология дарсимида домлаимиз Мирзааҳмад Жаҳинов айтган эди: "Қаночки олимлар инсулин рецепторларига қарши дори топса, шунда диабет муаммоси ҳал бўлади". Мана йиллар ўтди ва шундай дорилар пайдо бўлди, фақат биотехнологиялар ривожланиши ҳисобига амалга ошди бу.

Бугун мамлакатимиз олимлари учун жуда муҳим масала — бу глобал илм-фан билан ўйунлашиб, жаҳонда ўз ўрнини топиш. Масалан, биз Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон аҳолисининг популяция генетики бўйича кенг қўламдаги фундаментал тадқиқотларни узоқ вақт давом эттирдик. "National Geographic" томонидан мувофиқлаштирилган "Genographic" халқаро консорциумига 2010 йилда қўшилиб, Марказий Осиё халқларининг келиб чиқиши ва Евроосиё популяцияларини билан генетик боғлиқлиги ўрганилди. Биринчи бор Марказий Осиё регионининг генетик, маданий ва географик ландшафтларининг боғлиқлиги динамикаси, жумладан, туркийзабон халқларнинг генетик ўрнаниши таҳлил қилинди. Кўп йиллик изланишлар самарасида жаҳон аҳолисининг генетик харитасида мавжуд бўлган Марказий Осиё генетикининг "тоқ доғи" тўлдирилди. Қувончлиси, барча тадқиқот натижалари "Nature" журналида чоп этилди.

Ўтказилган фундаментал тадқиқотлар минтақамизда энг кўп тарқалган касалликлар генетикига бўйича амалий тадқиқотларга асос бўлди, бунинг натижасида 212 та касалликнинг 2500 дан ортик генетик маркерлари, жумладан, янги тўғилган чақалоқларнинг генетик патологиялари ўрганилди. Олинган натижалар чақалоқларнинг неонатал скринингини учун тест тўпламлари ишлаб чиқариш (ҳозирги кунда юртимизнинг барча ҳудудида синов-тажриба тадқиқотлари ўтказилмоқда), генетик тестлардан тиббий муассасаларда фаол фойдаланиш ҳамда генетик паспорт яратишга таътиб қилинмоқда. Айтмоқчи бўлганимиз, бугун шу каби замон талаби юқори бўлган, ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришимиз гоят муҳим.

— Гапларингиздан бошқа бир мавзу ўртага қалқиб чиқмоқда. Бу масала бугунги илмий тадқиқотларнинг ҳаётимизга, амалий самараси билан боғлиқ. Афсуски, юртимизда олиб борилаётган кўплаб илмий ишларнинг натижадорлиги жуда паст. Улар ҳаётга кўчмай, қоғозларда қолиб кетмоқда. Биламизки, илгор мамлакатларда бу масалага нихоятда жиддий қаралади. Илм-фан масканлари, тадқиқотчилар турли компаниялар, ишлаб чиқариш муассасалари, корхоналар билан ҳамкорликда, жоиз бўлса, уларнинг бюрт-маси асосида фаолият юритади. Оқибатда меҳнатлар бесаамар кетмайди, олимлар ҳам моддий манфаат кўради. Бизда ҳам ана шу йўналишда илмий тадқиқотларнинг ҳаётимизга қандай чораларни кўриш керак, деб ўйлайсиз?

— Ростдан ҳам, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси жуда долзарб. Бошқача айтганда, ҳаёт-мамонт масаласи. Тадқиқотлар натижаси ҳаётга кўчмаса, фанинг аҳамияти қолмайди.

Президентимиз Фармони билан тасдиқланган Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида мазкур йўналишда қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, 2025 йилга қадар илм-фани умумий молиялаштириш ҳажмида илмий тадқиқот ва таъриба-конструкторлик ишлари ҳақидаги сектор томонидан ажратилган маблағлар улушини амалдаги 8 фоиздан 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга етказиш мақсад қилинган. Шунингдек, инновацион ишланмалар ва стартап лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида хорижий етакчи инвестиция компаниялари билан ҳамкорликда венчур жағмаралари ташкил қилинмоқда.

Олимлар ва бизнес тузилмаларининг ҳамкорлигини таъминлаш, илм-фан ва илмий фаолиятни молиялаштириш тизимини янада кенгайтириш масаласида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг фаолиятини давомидида баъзи чора-тадбирларни ҳаётга таътиб эдики. Хусусан, илмий ишланмаларни тижоратлаштиришни қўллаб-қувватлаш учун грант дастурини ишга туширдик. Олимларимиз янги технология ёки махсулотни ишлаб чиққан, лекин уни амалга оширишга қодир бўлмаганда уларни амалиётда қўллаш ва ишлаб чиқаришга қизиққан тадбиркорни топшига ёрдам берилди. Шу тариқа 100 га яқин илмий ишланмалар тижоратлаштирилди. Улар орасида ноб махсулотлар бор. Масалан, бактериофаглар, яъни бактерияларни йўқ қиладиган вируслар, ушбу махсулот антибиотикларга муқобил. Мазкур бактериофаг-препаратлар фармацевтика махсулоти сифатида АҚШ сертификатини олди. Баҳарилган ишлар самарасида 2019 йилда илмий муассасалар ва олий ўқув юртрадида ишланмаларни тижоратлаштиришдан ташқил маблағларнинг умумий ҳажми 43 миллиард сумни ташкил

этган бўлса, 2023 йилда бу кўрсаткич 216 миллиард сумга етди.

Таассуфки, бу борадаги ишларимиз ҳали давлатимиз раҳбари қўяётган талаблар жавоб бермайди, ривожланган мамлакатлардан анча орқада. Хўш, вазиятни ўйлаш учун нима қилиш керак? Аввало, соҳага бозор механизмига тўла таътиб этилиши лозим. Олимларимиз тараққиёт учун муҳим бўлган ихтироларни, илмий ишланмаларни яратибгина қолмай, уларни сота бўлиши ҳам керак. Моддий фойда кўриш эҳтиёжи тадбиркор эътиборини торттишга шубҳа йўқ. Албатта, бу жараён тадқиқотчилардан, ихтирочилардан етарли ҳуқуқий билимларга, ишбилармонлик кўникмаларига, оммавий ахборот воситалари билан ишлаш ва ўз махсулотини бозорда реклама қила олиш салоҳиятига эга бўлишни талаб этади. Дунёдаги кўплаб таниқли бизнесменлар дастлаб илмий тадқиқот, ихтирочилик билан шуғулланган. Масалан, Форд, Морган, Бил Гейтс, Стив Жобс ва бошқа кўпгина бизнес оламида ном қозонган инсонлар шунчаки тадбиркор эмас, аввало, олимлардир. Улар техника, технология соҳасида яратган ихтироларини ишлаб чиқаришга муваффақиятли таътиб эта олгани сабабли ийрик бизнес салтанати асосига айланди.

Илм-фан эгалари, олимлар ва йирик ишлаб чиқарувчи корхона эгалари ўртасида доимий ҳамкорлик бўлиши лозим. Бу замири узиб, кўплаб илмий тадқиқотлар ҳаётга кўчмай қолганда қолган. Юртимизда инновацион жағмаралар, муҳандислик лабораториялари, технопарклар тизимининг янада кенгайтирилиши илм-фан ютуқларининг тезроқ тижоратлаштирилишига кўмак беради.

Фанлар академияси ишлаб чиқариш муассасалари, тадбиркорлар бюртмалари асосида институтларнинг, олимларнинг муайян тадқиқотлари олиб боришини рағбатлантиришни қўлашяпти. Биз бу исси хоша вақиллари ўртасидаги ҳамкорликни янада қулайтириш, дустлик ришталарини боғлаш мақсадида турли тадбирларни ўтказишни режалаштиришимиз.

— Халқимиз юртдошларимиз орасидан ҳам Нобель мукофоти совриндорлари чиқшини орақиб кутади. Сизнингча, бу орзунинг рўёби учун нима етишяпти?

— Илм-фан тез натижа бермайди, ушбу соҳада дунёда ном қозониш осон эмас. Сиз Ўзбекистонда илм-фаннинг катта юксалишини кўряпмиз. Утган йил бутун дунё олимлари илмий фаолиятини баҳоловчи "Elsevier" наشري маълумотларига кўра, ўзбек олимлари чоп этилаётган илмий мақолалари ўсиши бўйича дунёнинг етакчи ўнгаллигига кирди. Бу юртимизда соҳани молиялаштириш сиёсати самараси, институт ва университетларнинг моддий таъминоти мустаҳкамлангани, дунё олимлари билан алоқаларининг кенгайгани, илмий адабиётлардан фойдаланиш имконияти ошгани тўғрисида рўй бермоқда.

Шу билан бирга, олимларимиз бор куч ва имкониятларини юқори сифатли фан билан шуғулланишга сарфлашлари керак. Соҳада кўлга киритаётган натижаларимиз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун жаҳонда эътироф этилиши, башарият манфаатига хизмат қилиши лозим. Олимларимиз маррани янада банд олса, ишонимизки, дунё даражасидаги ютуқлар яқин орада кўлга киритилади.

Биз тегишли дастурларни амалга ошириш орқали илмий лойиҳаларни молиялаштириш, олимлар ва хусусий секторни умумий мақсадлар сари рағбатлантириш механизмининг яратишини, тадбиркорлик субъектларининг, жумладан, миллий компанияларнинг илмий тадқиқот фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни қўлашяпти.

Мақсадимиз Президентимиз бугун соҳа олдида қўяётган талабларга, халқимизнинг азалий орзу-умидларига муштарак: Ўзбекистонда илм-фани юксак босқичга олиб чиқиш, илмий ёндашувлар жамият, иқтисодий тармоқлари тараққиёт йўлини кўрсатувчи локомотив бўлишини таъминлаш ва Ватанимизни жаҳон илм-фанининг бир бўлагига айлантиришга эришишдир.

Албатта, таълим ва илм-фанга сармоя киритишни янада кенгайтиришимиз зарур. Ривожланиш учун бу йўналишдаги харажатларни ошириб, ҳеч бир давлат ютказмаган. Хитой, Сингапур, Япония каби мураққий давлатлар таърибаси буни исботлайди. Дунёда мазкур жараён янада жадаллашди. Жаҳон банки ҳисоботида кўра, 1996 йилдан 2016 йилгача бўлган 20 йил давомида дунёда янги ички махсулотга нисбатан илм-фанга сарфланган маблағлар ўртача 2 фоизни ташкил этган бўлса, 2016 йилдан бунён бу кўрсаткич қарийб 3 фоизга ошган. Мамлакатлар янги технологиялар яратишда пойга қилишмоқда. Бу эса маблағ талаб этади. Янги ихтироларга, илмий ишланмаларга талабни оширади.

Биз ҳам фақат истеъмолчи бўлиб қолмаслигимиз шарт. Олимларимиз, ишбилармонларимиз техникалар, технологиялар, асбоб-ускуналарнинг янги авлодини яратиш устида бош қотириши, улар учун шарт-шароитлар яна мукамал бўлиши лозим.

Дунёда эътироф этилиш, шубҳасиз, олимларнинг ўзига, уларнинг истак ва интилишларига ҳам боғлиқ. Тадқиқотчиларимиз жаҳоннинг нуфузли маълумотлар базаларида индексациядан ўтган юқори импакт факторли жаҳон журналларида мақолалар бериб бориши керак. Ҳозир "WEB of Science", "SCOPUS" каби маълумотлар базасида индексация этиладиган халқаро илмий журналларда чоп қилинган мақолалар бўйича Ўзбекистоннинг янги ютуқлари ҳали паст. Албатта, бу борадаги кўрсаткичларни яхшилашимиз учун, аввало, уларнинг талабидидаги илмий ишларни тақдим этишимиз зарур. Турли соҳалардаги янгиликларимиз, ихтироларимиз, илмий ишланмаларимиз бутун жаҳоннинг умумий юксалишига хизмат қилса, олимларимиз Нобель мукофоти билан тақдирланишига шубҳа йўқ. Бу ўринда гап фақат мукофотланишда эмас, асосий интилишларимизнинг мева бериши, халқимизни азалий орзу-мақсадларимиз рўёби сари етаклашидир.

— Бугун Президентимиз раҳномалигида янги Ўзбекистонни, унчи Ренессанс пойдеворини бунёд этиш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Ушбу тарихий жараёнда Фанлар академиясининг иштироки қандай бўлиши керак?

— Келгусида амалга оширадиган ишларимизда ана шу саволга салмоқли жавоб бериш зиммасидаги асосий вазифалардан бири. Бу "Ўзбекистон — 2030" стратегияси, Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида академияга юқлатилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш билан кеади.

Фаолиятимиз қўламни, самардорлигини ошириш учун институтлар билан бирга келуси беш йил учун режа ишлаб чиқарилди. Бу, аввало, жамият, ишлаб чиқариш, бизнеснинг муаммолари ва эҳтиёжларини кенг таҳлил қилишни, илм-фаннинг қули ва кучис томонларини, жаҳон илм-фани тараққиётининг асосий йўналишларини чуқур ўрганишни талаб этади. Режа икки компонентли — институтлар шуғулланаётган йўналишларни янги босқичга олиб чиқиш ва янги замонавий илмий йўналишларни очиниши ўз ичига олади.

Ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш жуда муҳим. Кейинги йилларда Фанлар академияси тизимида кўплаб ёшлар фаолият юритмоқда, ҳозирда 784 нафар PhD докторанти ва 85 нафар DSc докторанти таҳсил олмақда ва хар йили 100 нафар стажер-тадқиқотчи учун ўрин ажратилапти. Бу илм-фани ёш кадрлар келишини таъминлайди. Келгусида ҳам ёш олимлар билан ишлаш, хусусан, соҳадаги аёлларни қўллаб-қувватлаш асосий муаммоларимиздан бири бўлади. Бундан ташқари, бизга ёш ва рағбатли раҳбарлар керак, уларни ҳам ўстиришимиз зарур.

Соҳада очиклик, ошкоралик, шаффоқликни янада қулайтириш, ОАВ билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш фақат ижобий ўзгаришларга туртки беради. Олимлар таянган жуда камтар инсонлардир ва улар ўзларининг ишланмаларини, кашфиётларини кенг оммага эълон қилавермайди. Шу боис улар яратган янгиликларини халқимизга, ёшларга етказишга катта уруғ берамиз. Жамоатчилик билан алоқаларни кенгайтириш олимларнинг интеллектуал муркаб бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, плагат ва илмий юғларни ўзлаштириш ҳолатларини бартараф этишга ҳам кўмаклашади.

Дилшод ҚАРИМОВ («Халқ сўзи») суҳбатлашди.

Ўзбекистон Бадий академиясининг «Академия» галереясида рус расмоларининг Бадий кўрғазмалар дирекцияси фондида сақланаётган асарларидан иборат бадий кўрғазма ташкил этилди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 542. 14 275 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар:
Девонхона 71-259-74-51; котимбуат 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-45.

Таҳририятга келган кўлабмакълар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг мазкэб берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид хамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақлалади.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Шерназаров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашириёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 01.00

Топширилди — 02.30

1 2 3 4 5 6